Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 117 (3618)
ПАЙШАНБА
25 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ОКТЯБРЬ КУЙЧИСИ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон пойтахтининг архитектура ансамбли яна бир азим иншоот билан бойиди. Ҳамза районининг марказида, Салор канали Карл Маркс кўчасини кесиб ўтган жойда Улуғ Октябрнинг оташин куйчиси, ўзбек совет адабиётининг асосчиси, ўзбек совет театрининг асосчиларидан бири, таниқли жамоат арбоби, истеъдодли педагог ва композитор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳайкали очилди.

24 май куни шонли воқеага бағишланган митинг бўлди. Митингни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов очди.

Ҳайкал устидаги чойшаб туширилгач, шу ерда ҳозир бўлган юзлаб тошкентликлар, V Тошкент кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонлари кўз ўнгида мағрур бош кўтариб турган шоирнинг тўққиз метрлик бронза қиёфаси намоён бўлади. Ҳайкал атрофидаги майдонча 16 метрлик бронза барельефли мармар девор билан ўралган, унда ўзбек халқининг тарихига оид воқеалар тасвирланган. Ҳайкални москвалик ҳайкалтарош Н. Феодоридис билан тошкентлик архитектор, СССР Давлат мукофотининг лауреати С. Одилов ижод этганлар.

Ажойиб инсонпарвар шоир, революция, халқлар дўстлиги ва қардошлиги ғояларининг куйчиси Ҳамза ўзининг бутун қалб кўри ва истеъдодини янги турмуш тантанаси ишига бағишлади. Шоирнинг асарлари бутун Совет Иттифоқида ва чет элларда ҳам машҳур. Митингда сўзга чиққан Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси А. Девятова, Низомий номидаги Тошкент

педагогика институтининг студенти Д. Жалолова, фестиваль меҳмонлари — Германия Демократик Республикасидан келган профессор А. Виникинг, гамбиялик ёзувчи-драматург Д. Сэнди шу ҳақда гапирдилар. Нотиқлар КПССнинг доно сиёсати, совет кишиларининг мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги ва қардошлиги Советлар мамлакати халқлари эришаётган барча муваффақиятларнинг асоси эканлигини таъкидладилар.

Ҳайкал пойига гуллар қўйилди.

(ЎзТАГ).

Беш йилликнинг уч йили плани— СССР Конституцияси кунигача

Пухта ҳозирлик

Шаҳар уй-жой бошқармасига қарашли бинолар ва қозонхоналар хўжалиги ишлари махсус ремонт бошқармасининг ремонтчилари ҳозирданоқ қишга тайёргарлик планини бошлаб юбордилар. Коллектив 22 та қозонхонани капитал ремонт қилишга киришди. А. Иванов ва М. Горелов бошлиқ ремонтчилар бригадаси қозонхоналар ремонти ишларини жадаллик билан олиб бориб, қисқа вақт мобайнида тугаллашга аҳд қилишган.

— Белгиланган планга кўра махсус ишлар бошқармаси коллективи 20 октябрга қадар 37 та қозонхонани капитал ремонтдан чиқариши керак, — дейди бошқарма бош инженери В. Грешников. — Ишчиларимиз қиш мавсумида кўп қаватли уйларни мўътадил ҳарорат билан сақлаш учун ниҳоятда зарур бўлган бу қозонхоналарни ўз пайтида ремонт қилиб бўлишга, шу билан бирга ўтган йили йўл қўйилган жиддий нуқсонларни ҳисобга олиб иш юритишга ҳаракат қилмоқда.

Ҳар бир ремонтчи бугун амалга оширилаётган ишларнинг қанчалик сифатли бажарилиши қишнинг аёзли кунларида нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини пухта билади. Шунинг учун ҳам ёзнинг ҳар дақиқа вақтидан унумли фойдаланиб, ремонт ишлари юксак сифатли қилиб бажарилмоқда.

РЕМОНТЧИЛАР ҲИССАСИ

«Главташтранс»га қарашли 7-автобус парки Чилонзор ва Акмал Икромов районларида қатновчи кўплаб маршрутларга хизмат кўрсатади. Ҳар куни корхона дарвозасидан юздан кўп автобус маршрутларга чиқади. Бу автобусларнинг йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиши, графикка қатъий амал қилишида корхона ремонтчиларининг ҳам ҳиссаси катта.

Фақат ўтган ярим ой мобайнида слесарь-моторист Х. Зоидов учта двигателни капитал ремонтдан чиқарди. Шунингдек, бешта двигатель оддий ремонт ва еттита двигатель жорий ремонтдан чиқарилди. Шу вақт мобайнида У. Мамутов бошлиқ слесарлар бригадаси эса 38 та автобусни жорий ремонтдан юксак сифатли қилиб чиқаришди.

К. Қаюмов ва З. Каримбековлар бошчилик қилаётган слесарлар бригадаси ҳам ўз касб маҳоратларини ошириб бориб, ремонт ишларини пухта ташкил этмоқдалар. Бу ерда ёш ремонтчилар тайёрлаш, уларга мураббийлик қилишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Корхонада йўловчиларга хизмат кўрсатиш ва ремонт ишлари тўрт ойлик плани анча ошириб бажарилди. Автопарк хизмат кўрсатаётган маршрутларда йўловчиларнинг қимматли вақтларини тежаш кўп жиҳатдан бу ерда меҳнат қилаётган ремонтчи ва слесарларнинг ўз ишларини намунали ташкил этишларига ҳам боғлиқ бўляпти. Улар ремонт ишларини юксак сифатли қилиб амалга оширишмоқда.

ЮҚОРИ СИФАТДА

4-дон маҳсулотлари комбинати коллективи куни-кеча 20 миллион 550 минг сўмлик юқори сифатли маҳсулот реализация қилиб, беш ойлик марраны эгаллади. Ҳозир коллектив суръатни бир дақиқа ҳам сусайтирмай ой охиригача топшириққа қўшимча 2.1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун интиляпти.

Юбилей йилидаги социалистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришганлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритгач гуруч тайёрловчилар бу йил ҳам зўр мақсад билан меҳнат қилишяпти. Коллектив СССР янги Конституциясининг бир йиллигига қадар ўнинчи беш йилликнинг уч йили топшириғини бажариш мажбуриятини олган.

Корхонада кенг қулоч ёйган социалистик мусобақада шаҳар ва район Советларининг депутатлари Р. Эргашев, Л. Мамонтова, З. Шрамко намуна бўлишяпти. Мана шундай илғорларнинг ғайрат-шижоати туфайли республиканинг савдо тармоқларига ҳозир ҳар куни 250—260 тонна юқори сифатли гуруч жўнатиляпти.

КОММУНИСТЛАРНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

Ленин район партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Район партия комитетининг биринчи секретари И. Федоринов «Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китоблари ва экономикага партия раҳбарлиги, ташкилий ва идеология ишлари самарадорлигини ошириш бўйича партия ташкилотининг вазифалари» мавзуида доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан Октябрь революцияси номли тепловоз ремонт заводининг бошлиги Х. Файзуллаев, Кичик ердаги жангларнинг қатнашчиси, электрон техника заводининг инженери М. Козуб, СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг ҳарбий хизматчиси Б. Сирожиддинов, район комсомол комитетининг секретари Ш. Шукурова ва бошқалар ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарлари уруш ҳақида, вақтинчалик оккупация қилинган районларда урушдан кейинги даврда олиб борилган қайта тиклаш ишлари ҳақида ҳаққоний ҳикоя қилади, деб таъкидладилар. Улар Совет халқининг матонати, жасорати ва ватанпарварлигини мадҳ этади, уларнинг партиянинг тарбиявий ишлари билан мустаҳкам алоқада эканлигини, СССР халқлари бузилмас дўстлигини кўрсатади, Ватанга, улуғ Ленин васиятларига, коммунизм идеалларига чексиз садоқат руҳида тарбиялайди.

Партия активи йиғилишида шунингдек «Сайланадиган партия активи билан иш тажрибаси тўғрисида»ги масала ҳам муҳокама қилинди. Район партия комитетининг иккинчи секретари Ж. Жонибеков шу ҳақда доклад қилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Африка озодлиги куни муносабати билан Африка давлатлари ва халқларига, шунингдек, Қаршилик кўрсатиш курашчилари халқаро федерацияси VIII конгресси иштирокчиларига йўллаган табриклари эълон қилинган.

● Жаҳон демократик хотин-қизлар федерациясининг фахрий вице-президенти, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати Ортенсия де Альенде бошчилигидаги ана шу ташкилот кенгаши сессияси қатнашчиларидан бир группаси тўрт кун давомида Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Меҳмонлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг ходимлари билан «Ўзбекистон хотин-қизлар масаласининг ҳал этилиши ва хотин-қизларнинг аҳволи» мавзуида суҳбатлашдилар.

● 1978 йил 23 майда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдошлари «Космос—1010» ва «Космос—1011» учирилди.

Шаҳар—қишлоққа

КАТТА МАДАД

Бу йил Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари Сирдарё областининг Оқ олтин райони хўжаликларига ҳар тарафлама оталик ёрдами кўрсатишга бел боғладилар. Аҳдига вафодорлар ҳозирданоқ ишга киришиб кетишди. Белгиланган тадбирлар планига кўра, бу йил чўлқуварларга 160 минг сўмлик ёрдам кўрсатилади. Ҳозирда райoннинг 20 нафар мутахассиси оқ олтинликларга ишлари суръатини кучайтиришда, техникани ремонт қилишда кўмаклашмоқда. Шунингдек, дала шийпонларини безаш, маҳаллий аҳоли ўртасида турли мавзуда лекция ва суҳбатлар ўтказиш, ранг-баранг концерт программаларини намойиш этишни ҳам бошлаб юбордилар.

Бундан ташқари район меҳнатчилари чўлқуварлар учун 15 та машина, 6 та кўчма устахона, 30 нафар слесарь ажратишди. Собир раҳимовликлар мазкур район меҳнаткашларининг фарзандларига мўлжалланган пионер лагерини қуришда, район аҳолиси учун маданий-маиший хизмат кўрсатиш уйининг лойиҳасини тайёрлашда ҳам яқиндан кўмаклашадилар.

Ш. САИДОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШАЙДИГАН КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан кўп бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ҳамда уларга «Қаҳрамон она» ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилсин.

Тошкент шаҳри бўйича:

1. **Мавлонова** Тамара Николаевна — ишчига.
2. **Мансурова** Сайёра Зуфнуновна — хизматчига.
3. **Ремибоева** Турсуной Ҳамидовна — уй бекасига.
4. **Йўлдошева** Мукаррам — уй бекасига.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва. Кремль.
1978 йил 15 май.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ
ТОШКЕНТ-78
КИНОФЕСТИВАЛИ
V
INTERNATIONAL FESTIVAL OF FILMS FROM ASIA, AFRICA AND LATIN AMERICA
TASHKENT
May 23 to June 1, 1978

Дўстлар қўл олишуви

«КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Брежневнинг Тошкентдаги бешинчи халқаро кинофестиваль иштирокчилари ва меҳмонларига йўллаган табрикномаси Лениннинг, кино — санъатнинг энг муҳим тури, деб берган баҳоси бугун ҳам актуаллигича қолганлигини яққол кўрсатмоқда. Бу баҳо мамлакатингизда кинематографияни ривожлантиришнинг негизи бўлиб хизмат қилмоқда». Японниялик машҳур киношунос, ана шу мамлакат тараққийпарвар кинематографиячилари уюшмасининг актив арбоби Кадзуо Ямада ЎзТАГ мухбири билан қилган суҳбатида шундай деди. К. Ямада Тошкент кинофестивалларида бундан илгари ҳам бир неча марта қатнашган, турли кинокўриклар ва конкурсларда иштирок этган.

Фестиваль программаси ғоят бойдир. Тошкент киноанжумани иштирокчилари тақдим этган фильмларнинг кўриклари бошланди. Бу кўрикни бошлаб бериш ҳуқуқига фестиваль соҳиблари мушарраф бўлдилар. Ўзбекистон кинематографиячилари биринчи бўлиб ўз асарлари — «Паранжи» деган ҳужжатли лентани кўрсатдилар. СССР халқ артисти М. Қаюмов суратга олган бу фильм Совет Шарқида хотин-қизларнинг озодликка чиқарилиши тўғрисида, янги ҳаёт қурилишида хотин-қизларнинг ўрни тўғрисида ҳикоя қилади. Шунингдек «Ўзбекфильм» Югославия кино усталари билан ҳамкорликда яратган «Муҳаббат ва ғазаб» бадиий фильми ҳам кўрсатилди. Бу фильм озодлик учун кураш олов-оташларида вужудга келиб, тобланган интернационал дўстлик мавзусини очиб беради.

— Қойилмиз! — ироқлик кинорежиссёр Али Зиёвуддин бу асарга ана шундай деб баҳо берди. — Фильм ғоявий мазмунининг чуқурлиги билан, айни пайтда бадиий жиҳатдан чинакам юксак даражаси билан ажралиб туради. Бу — кино санъати халққа мансуб бўлганлигида нақадар юксакликларга эришиши мумкинлигининг ажойиб намунасидир.

Кинофестиваль иштирокчилари ва меҳмонлари 24 май куннинг биринчи ярмидаги вақтларини Тошкент билан танишишга бағишладилар. Улар Ўзбекистон пойтахтининг хушманзара жойларини кўздан кечирдилар, Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар, В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали ва Халқлар дўстлиги музейида бўлдилар, шаҳардаги бошқа музейларни бориб кўрдилар. Турли мамлакатлардан келган кинематографиячилар республиканинг тарихи ва бугунги ҳаёти билан, унинг экономикаси ва маданиятининг ривожланиши билан астойдил қизиқмоқдалар.

Тошкент Санъат саройида куннинг иккинчи ярмида бешинчи халқаро кинофестиваль программасига биноан бадиий ва ҳужжатли фильмлар кўрсатиш давом эттирилди. Марокаш, Монголия, Туркия, Япония, Янги Зеландия ва бошқа хорижий мамлакатларнинг, шунингдек Совет Тожикистонининг кинематографиячилари ўз асарларини кўрсатдилар.

А. БАРАНОВ,
О. ОСИПОВ.
ЎзТАГ мухбирлари.

ФЕСТИВАЛГА БАҒИШЛАНДИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент V Халқаро кинофестивали очилган куни «Спутник кинофестиваля» («Кинофестиваль йўлдоши»)нинг биринчи сони чиқарилди. Чиройли қилиб безатилган бу нашр Фестиваль ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаеванинг «Тинчлик ва тараққиёт шиори остида» деган мақоласи билан очилади. СССР Министрлар Совети Кинематография давлат комитетининг раиси Ф. Т. Ермашнинг мақоласи ҳам шу мавзуга бағишланган.

Журналнинг биринчи саҳифасида авиация генерал-лейтенанти, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси В. А. Шаталовнинг табриги ҳам босилганки, у космонавтлар катта ва аҳил оиласи номидан кино анжумани қатнашчилари ва меҳмонларига ана шу табрик билан мурожаат қилди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимовнинг журналдаги мақоласи «Қалби очиқ шаҳар» деб аталган. «Спутник кинофестиваля» журналининг саҳифаларида етакчи кино арбоблари, Ўзбекистон пойтахти саноат корхоналарининг пешқадам ишчилари, ёзувчилар ва журналистлар ҳам мақолалари билан қатнашганлар. Иттифоқдош республикалар, кўпгина хорижий мамлакатлар кинематографиялари, режиссёрлари, актёрлари тўғрисидаги материаллар берилган.

[ЎзТАГ].

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари V Халқаро кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонлари шаҳримиз ҳаёти билан қизиқиб танишмоқдалар. Кеча улар Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар, В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали ва Халқлар Дўстлиги музейида бўлдилар.

СУРАТЛАРДА: фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари.

М. Нуриддинов ва Н. Муҳаммаджонов фотолари.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ВИЗИТИ

Совет Иттифоқи ва Мексика халқлари Мексика Қўшма Штатлари Президенти Хосе Лопес Портильонинг расмий визитини зўр иштиёқ билан кузатиб бордилар. Л. Портильо 17 майда Москвага келган эди. Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва бошқа совет раҳбарлари Мексика Президенти билан музокаралар олиб бордилар.

Келгусида Совет — Мексика муносабатларини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди, жумладан, СССР билан Мексика ўртасида савдо-сотиқ, илмий-техника, маданият соҳаларида ва бошқа соҳаларда дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўллари белгиланди. Шу билан бирга музокаралар халқаро кескинликни юмшатиш ишига, қуролсизланиш учун ва халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун кураш ишига биргаликда қўшилган муҳим ҳисса бўлди.

Бир қанча ҳужжатлар имзоланди. Совет Иттифоқи Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш тўғрисидаги шартномага (Тлателолко шартномаси) қўшилди. Ҳар икки мамлакат ўртасида консуллик конвенцияси, шунингдек 1978 — 1979 йилларда улар ўртасидаги илмий-техникавий ҳамкорлик программаси имзоланди.

Совет Иттифоқи билан Мексика ўртасида ярим асрдан кўпроқ вақт илгари муносабат ўрнатилган эди. Мексика 1924 йилда Лотин Америкасида СССР билан дипломатия муносабатлари ўрнатган биринчи мамлакат бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда Совет— Мексика муносабатлари хилма-хил соҳаларда ривожланиб боряпти. Совет тракторлари Мексика далаларида ишлаб турибди, Мексика нефтчилари Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган турбобур ва пармалаш машиналарига юксак баҳо бермоқдалар. Совет савдо ташкилотлари Мексикадан какао (Мексика —какао ватани), қалампир ва бошқа молларни сотиб олмоқдалар.

Мексика Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши— Мексика аралаш комиссиясини СССР билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришнинг муҳим воситаси, деб ҳисоблайди. Х. Лопес Портильо Москвада бўлган вақтида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ижроия комитетининг мажлисида нутқ сўзлаб, менинг мамлакатим Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши билан алоқаларни кенгайтириш туфайли анча кўп наф кўрмоқда, деб таъкидлади.

Мексикада ва Лотин Америкасидаги бошқа мамлакатларда Совет— Мексика музокараларининг якунлари зўр мамнуният билан кутиб олинди». «Уно мас уно» газетаси қуйидагиларни уқтириб ўтади: Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш тўғрисидаги шартноманинг қўшимча протоколи Совет Иттифоқи томонидан имзоланганлиги Совет— Мексика музокараларининг энг муҳим натижаларидан биридир. Бу шартнома ядро уруши хавфини йўқотиб, Лотин Америкаси қитъасида яшовчи кишиларнинг тақдирига бевосита таъсир ўтказади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтганидек, Мексика Президентининг СССРга қилган визити ва чўп масалалар юзасидан у билан фикрлашиб олинганлиги Совет—Мексика муносабатларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга янги мадад бўлади.

М. ЯКОВЛЕВ,
ТАСС шарҳловчиси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **ЛОНДОН.** Олий ва ўрта ўқув юртлари ўқитувчиларининг миллий уюшмаси инглиз коллежларида ирқчиликка оид китобларнинг тарқатилишига қарши оммавий норозилик эълон қилди. Бу уюшма тарқатган ҳужжатда жумладан шундай дейилади: бундай ножўя иш ўқувчилар ўртасида ирқий нафратланиш ва душманликни авж олдиришга ёрдам беради.

Инглиз матбуоти «Миллий фронт» ва бошқа ирқчи ташкилотлар ўз фаолиятини ўқувчи ёшлар ўртасида активлаштираётганлигига жамоатчилик диққатини бир неча бор жалб этган эди.

◆ МАДРИД. Испаниянинг Коста дель Соль соҳилида жойлашган отеллар хизматчиларининг икки ойлик забастовкаси ғалаба билан тугади. Отель эгалари туристик мавсумнинг бузилишидан қўрқиб, иш ҳақининг оширилишини назарда тутувчи янги меҳнат шартномасига имзо чекишга мажбур бўлдилар.

◆ **ВЕНА.** Австрияда Совет Иттифоқи кунлари бошланди. Бу кунлар Альп Республикасининг барча ерларида Австрия—Совет жамиятларининг актив ёрдамида ўтади.

Совет кунларини ўтказиш программасида Грузия ССРнинг экономика, фан ва маданият соҳасида эришган ютуқларига алоҳида ўрин берилади. Австриянинг кўпгина шаҳарларидан келган кишилар грузин артистларининг концертларини томоша қиладилар, Совет Грузиясининг ҳозирги кунлари ҳақида, грузин халқининг санъати тўғрисида ҳикоя қилувчи турли кўргазмаларни томоша қиладилар.

◆ СИНГАПУР. Ўтган йилнинг охирида Сингапур аҳолиси 2 миллион 322 минг кишига етган эди. Бир йил мобайнида республика аҳолиси 27 минг кишига кўпайди.

Расмий маълумотларга кўра, Сингапур аҳолисининг 76 процентидан кўпрогини хитойлар, қарийб 15 процентини малайяликлар ташкил этади. Бу ерда тамиллар, индонезлар ва бошқа миллат намояндалари ҳам яшайди.

◆ **МАПУТУ.** Жанубий Африка Республикасидан олинган хабарларга кўра, Велкомдаги йирик «Англо-Америкэн корпорейшн ОФ Саут Африка» олтин конларидан бирида ғоят оғир меҳнат ва яшаш шароитига қарши африкалик ишчиларнинг кураши авж олиб кетди. Резинка таёқлар билан қуролланган полициячилар маъмурларнинг талабига мувофиқ бу ерга етиб келиб, кончилар устига ёпирилдилар. Натижада 13 африкалик жароҳатланиб 16 ишчи конда қамоққа олинди.

Конда кескин вазият давом этмоқда.

(ТАСС).

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармаси 11-«Висотстрой» тресги 17-қурилиш бошқармасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамид Қорабоев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи москвалик ишлаб чиқариш илғорларининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилган ҳолда меҳнат қилиб, куя сайин қувончли ютуқларни қўлга киритишмоқда.

Бригаданинг қурувчилари Биринчи Май кўчасида пойтахтимизнинг улкан иншоотларидан бири Тошкент Бош почтамти биносини графикдан ўзган ҳолда бунёд этишмоқда.

— Қўлга киритилаётган ютуқларимизда коллективимизда социалистик мусобақани кенг авж олдирилганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда,— дейди Ҳ. Қорабоев. Биз — Олмаотадаги уйсозлик комбинатининг етакчи коллективларидан бири У. Мукашов бошлиқ бригада билан мусобақалашиб меҳнат қиляпмиз.

Фотомухбир М. Нуриддинов олган ушбу суратда бригада бошлиғи Ҳамид Қорабоевни коллективнинг етакчи қурувчилари (чапдан) Геннадий Кистанов, Тоҳир Лутфуллин ва Эмир Усеинов билан навбатдаги иш режалари хусусида суҳбатлашаётганлиги акс эттирилган.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 159-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ БИЛАН 3-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ, 153-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ БИЛАН 4-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ ЎРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

НУҚСОНЛАР БАРТАРАФ ҚИЛИНСИН

Тўрт ойлик иш якуни бўйича 159-қурилиш трести мусобақада пешқадамлик қилди. Трест бош пудрат ишлари планини 500 минг сўм, ўз кучлари билан иш бажариш топшириғини 192 минг сўм ортиғи билан бажарди. 3-трест бош пудрат бўйича 400 минг сўмлик иш бажара олмади, ўз кучлари билан иш бажариш топшириғини эса 90 процентга уддалади. Бу трестнинг қурувчилари ўтган ойларда аввалари фойдаланишга топширилган биноларда иш олиб боришди. Чехов кўчасида болалар боғчаси, Сергелида туғруқхона, поликлиника объектлари қурилиши бошланмади. Чунки, объектлар лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминланган эди. Трест қурилиш ишлари ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўстириш планини бажармади. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ҳам жуда паст. 5, 15, 30-қурилиш бошқармалари қолоқлик қилишмоқда.

159-трест бир мунча муваффақиятларни қўлга киритган бўлсада, лекин ўз имкониятлари даражасида ишлай олмаяпти. Ички резервлар ишга солинмаяпти. Баъзи бўлинмаларда ишни ташкил этиш қониқарсиз аҳволда, технология қоидаларига риоя қилинмайди. Учта бошқарма тўрт ойлик бош пудрат ишлари планини, иккита бошқарма ўз кучлари билан иш бажариш топшириғини эплолмади. Трест ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бош пудрат ишлари ҳажмини ўстириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқларини бажармади.

Иккала коллектив ҳам уй-жойлар қуриш, мактабгача болалар муассасаларини барпо этиш планларини адо этмади. 3-қурилиш трести озиқ-овқат ва енгил саноат объектларини қуриш топшириқларини уддалай олмади. Ҳунар-техника таълими объектлари қурилиши плани эса 74 процентга бажарилди. Бироқ, маҳаллий Советлар объектлари қуриш топшириғини 180 процентга адо этишга мушарраф бўлдилар. Бу борада улар 159-трестдан ўзиб кетишди. 159-трест маҳаллий Советлар объектлари қурилиши планини 83,7 процентга адо этди.

Мусобақадош трестларда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобиннинг бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар сони бир мунча ўсди. Лекин бригада пудрати методи бўйича ишлаётган коллективларга эътиборни кучайтириш керак. Бу масалани қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари ўйлаб кўришлари лозим.

Иккинчи мусобақадош трестлар ўртасидаги социалистик мусобақада 153-трест пешқадамлик қилмоқда. Трест ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмини 29,3 процентга ўстирди. Тўрт ойлик план муваффақиятли адо этилди. Бироқ, ўз кучлари билан иш бажариш топшириғи 95,9 процентга адо этилди. Трест бошқарувчиси Б. Муҳиддинов қолоқлик сабабларини объектларга товар арматураси, металл конструкциялар ўз вақтида келтирилмаганлиги, айрим объектларда иш бошлаш учун эски бинолар бузиб ташланмаганлиги, лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида берилмаганлиги билан изоҳламоқда. Жумладан, саккизта болалар боғчаси ва зоопарк қурилишида ҳам бинокорлик ишлари бошланмади.

4-қурилиш трести бош пудрат планини 93,7 процентга, ўз кучлари билан иш бажариш топшириғини 96,4 процентга адо этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми камайди, меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи уддаланмади. 6, 18, 19-қурилиш бошқармалари планларни бажармади. Бошқармаларни планларини уддалай олмаганлигига Пардозлаш трести объектларда ишламаганлиги сабаб бўлди. Пардозлаш трести Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг объектларида, асосий кутубхона, 35-АТС қурилишида 35 минг сўмлик қурилиш ишларини бажармади. Бундан ташқари «Таштрансспецстрой» трести 65 минг сўмлик, 1-Тошкент монтаж бошқармаси 34 минг сўмлик, Қурилиш механизацияси трести 530 минг сўмлик иш бажармади. Қурилиш механизацияси трести бош пудратчи ташкилотнинг бир қатор объектларида, жумладан, турар жой бинолари, экскаватор заводининг объектида ер қазиш ишларини уддаламади. Шунинг учун 4-трест бу объектларда қурилиш ишларини бошлай олмаяпти.

4-қурилиш трести Саноат корхоналари бошқармасидан ҳам ноляпти. Трест апрель ойида 92 тонна арматура билан таъминланмади.

Мусобақадош коллективлар йил бошидан буён 13 та объектни битказишди. 153-трестнинг объектлари яхши баҳода қабул қилинди. 4-трестда иш сифати 3.7 баллни ташкил этади. Бу эса трест бинокорлари ўз ишларига нисбатан масъулиятни оширишларини, технология жараёнларига риоя қилишларини талаб этади.

1978 йил январь—апрель ойи асосий кўрсаткичлари	Қурилиш трестлари			
	159	3	153	4
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши процентларда				
а) бош пудрат бўйича	105,3	108,4	100,3	93,7
б) ўз кучлари билан	103,7	90,0	95,9	96,4
Иш ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)				
а) бош пудрат бўйича	95,3	105,6	129,3	66,7
б) ўз кучлари билан	102,1	86,1	97,0	94,9
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари	86,8	89,7	100,5	93,6
Меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши	90,7	91,8	106,2	98,5
Планни бажармаган бошқармалар				
а) бош пудрат бўйича	3	1	2	3
б) ўз кучлари билан	2	3	3	4
Уй-жойлар қурилиши планининг бажарилиши	99	59,1	—	58,1
Мактаблар қурилиши планининг бажарилиши	64,4	—	86,2	60,4
Мактабгача болалар муассасалари қуриш планининг бажарилиши (процентларда)	40,8	57,4	—	81,9
Маҳаллий Советлар объектларини қуриш планининг бажарилиши	83,7	108,0	70,8	64,1
Йил бошидан фойдаланишга топширилган объектлар сони	1	1	6	7
Ўртача баҳоси	4	—	4	3,7
Бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар сони	19	17	13	15

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ЎНТА ЎРНИГА БИТТА

Тошкент трактор заводи инструментал цехининг инженерлар ва ишчилар ижодий группаси «Т28Х4М» маркали трактор кабинасининг янги конструкцияси ва уни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиб, жорий этди. Эндиликда ўнта операция ўрнига битта операция талаб қилинади. Механик ишлаш, йиғиш, пайвандлаш штамповка билан алмаштирилди. Бу янгиликдан 273 минг сўм иқтисодий самара кўрилади.

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўқон ёғ-мой комбинати клуби ҳузурида бўлғуси жангчи халқ университети очилди. Университет тингловчилари— корхонада ишлайдиган ҳарбийга чақирилувчи ёшлар, оталиқдаги мактаб юқори синф ўқувчиларидир. Программада мамлакат Қуролли Кучлари тарихини, ҳарбий уставларни ўрганиш, умумий жисмоний тайёргарлик ва бошқалар кўзда тутилган. Шаҳар ҳарбий комиссариатининг ходимлари, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари лекцияларни ва амалий машғулотларни ўтказадилар.

ТАЖРИБА УРТОҚЛАШИЛДИ

«Узсельспецстрой» республика тресги қишлоқ қурувчилари-ойначиларининг конкурси Нукусда икки кун мобайнида давом этди. Унча кўп бўлмаган ана шу муддат ичида ҳар бир уста ойна кесиш маҳоратини кўрсатиш билан бирга ўзининг тажрибасини қорақалпоғистонлик беш ишчига ўргатди ҳам. Тошкентдан Ю. Дергунов ва Нукусдан А. Воропаев бошлиқ бригадалар конкурсда ғолиб чиқди.

ДАСТЛАБКИ ТОННАЛАР

Тошкент область, Калинин районининг деҳқонлари эртапишар картошканинг дастлабки тонналарини савдо шохобчаларига етказиб бердилар. «Хасково», «Назарбек», «Партия XXI съезди» илғор совхозларида гектаридан 12 тонна картошка қазиб олинмоқда.

(ЎзТАГ).

◆ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — ШИОРИМИЗ

БЕШТАГА ЕТДИ

Ўтган йили кўнмўйна заводи коллективи 20 процент маҳсулотни Давлат Сифат белгиси билан тайёрлаганди. Бу йил мўйначилар янада юксак маррани белгилашди. Мажбуриятга биноан, йил охиригача 2.650 минг сўмлик буюм фахрли беш қиррали белги билан тайёрланади. Бу умумий реализация ҳажмида 25.3 процентни ташкил этади.

Ҳозир коллектив беш хил буюмни — аёллар ва қиз болаларнинг тўрт хил моделдаги пальтосини ва терини ошлаш цехида тайёрланаётган қўй мўйнасини Сифат белгиси билан тайёрлаяпти. Йил бошидан бери мазкур буюмлардан 1100 минг сўмлик ёки планда белгиланганидан 300 минг сўмлик кўп реализация қилинди.

Куни кеча коллектив ўз моделёрлари яратган ўн хилдан ортиқ буюмни Москвадаги Бутуниттифоқ «Мўйна» бирлашмаси бадий Кенгашига юборди. Булар орасида қиз болаларнинг 4 та моделдаги янги пальтоси, аёлларнинг мўйна нимчаси, эркакларнинг калта пальтоси бор. Замонавий ва сифатли тайёрланган бу буюмлар бадий кенгаш тасдиғидан ўтгач, келаси йилнинг бошидан ялпи чиқарилади.

Ишчи ҳамкасби ҳақида

И Ш О Н Ч

«Энди нима қилиш керак? Бирор корхонага кириб ишлайми ёки техникумга ўқишга кирайми? Ахир қурилишларда, завод ва фабрикаларда жавлон уриб меҳнат қилаётган ёшлар озмунчами?! Олий ўқув юрти эса бир гап бўлар, бу йил кира олмаган бўлсам, келаси йил кираман». Камолнинг миясидан шундай хаёллар ўтди. Ниҳоят, ўз тенгқурлари қатори заводда ишлашга аҳд қилди. Ҳужжатларини 2-кўн заводининг кадрлар бўлимига топширди. Уни резина цехига прессловчи қилиб ишга қабул қилишди.

Прессловчилик — мураккаб касб саналади. У ишчидан сезгирликни, эҳтиёткорликни, чаққонликни талаб қилади. Камол аввалига бу мураккаб касбга, қолаверса, цехдаги нотаниш одамларга, янги коллективга кўника олмади. Лекин секин-аста вақт ўтиши билан ҳаммаси ўз жойига туша бошлади. Камол ўз касбини пухта эгаллаб, илғор ишчилар сафидан ўрин ола бошлади. У ветеран ишчилар билан ёнма-ён меҳнат қилиб, меҳнат завқига шундай берилиб кетар эдики, ҳатто сменадан кейин бир-икки соат қолиб ишлар, кунлик нормасини бажармасдан кетмас эди. Совет Армияси сафида йигитлик бурчини ўтагач, у яна ўзи учун қадрдон бўлиб қолган 2-кўн заводининг резина цехига қайтиб келди. Энди Камол оддий прессчигина эмас, балки актив жамоатчи, меҳрибон, жонкуяр мураббий ҳам эди. Ишга янги келган, мўйлаби ҳали сабза ўрмаган ўспирин йигитларга мураббийчилик қилишга, жамоат ишларида ҳам актив қатнашишга вақт топар эди. Меҳнатсевар йигитни тез орада резина цехи коллективи комсомол-ёшлар бригадасига бошчилик қилиб кўтарди. Цех коллективи янглишмаган эди. Ҳозирги кунда Камол Ғанихўжаев бошчилик қилаётган, заводимизда ягона комсомол-ёшлар бригадаси юксак меҳнат зафарлари қучмоқда. Ўтган йили бу бригада ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариб, «Бирлашманинг энг яхши комсомол-ёшлар бригадасига» деган кўчма вимпелни олишга сазовор бўлди. Бригада бошлиғининг ўзи ва аъзолардан М. Шамсутдинова, К. Қосимов шахсий йиллик планни муддатидан илгари бажардилар.

1977 йил комсомол-ёшлар бригадасининг етакчиси Камол Ғанихўжаев учун жуда ҳам серунум, сермазмун, ҳамда ҳаётида бир умрга ёдида қоладиган қувончли йил бўлди. Бу ҳақда Камолнинг ўзи шундай дейди:

— Дарҳақиқат, ўтган 1977 йил мен учун жуда ҳам қувончли ҳамда сермазмун бўлди. Завод коммунистлари мени ўз сафларига қабул қилишди. Биз ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили учун ҳам юксак социалистик мажбурият қабул қилдик. Беш йилликнинг учинчи йили планини Ленин комсомолининг 60 йиллигини нишонлаш арафасида адо этишга қатъий бел боғлаганмиз. Ўзим эса шахсий беш йиллик учинчи йили планини 7 октябрда — СССР янги Конституциясининг бир йиллигини нишонлаш кунида бажаришга аҳд қилганман. Бригадамиз бўйича йилнинг тўрт ойи барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилганлиги йилнинг қувончли якунлашимизнинг белгисидир.

Ҳа, чиндан ҳам комсомол-ёшлар бригадасининг етакчиси, актив жонкуяр, меҳнатсевар ишчи Камол Ғанихўжаев ёш бўлишига қарамай меҳнати билан катта обрўга эришмоқда. У ҳозирги кунда ҳам заводда меҳнат қилиб, ҳам ТошДУнинг география факультетининг 4-курсида билим олмоқда. У коллективи ишончини ўзининг фидокорона меҳнати билан оқлаб келмоқда.

И. ЗОИРОВ,
«Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-кўн заводининг ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

● *Бугун Африка озодлиги куни*

1978 ЙИЛДА АФРИКА

Бутун жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилиги 25 майда Африка озодлиги кунини нишонлайди. Африка бирлиги ташкилотига аъзо бўлган давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 1963 йилда ўтказилган биринчи таъсис ассамблеясида ҳар йилнинг шу куни байрам ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Шу муносабат билан Нигериянинг мўътабар «Уэст-Африкэн пайлот» газетаси яқинда қуйидагиларни ёзди: «шу йиллар ичида Африка ва Африка бирлиги проблемалари ҳеч қачон бу йилдагидек зўр эътиборни ўзига жалб этмаган эди, халқаро тинчлик ва кескинликни юмшатиш тақдири билан ҳеч қачон ҳозирдагидек маҳкам боғланмаган эди, десак муболаға бўлмайди».

Ҳали яқиндагина жаҳоннинг «сиёсий жиҳатдан чекка ўлкаси» деб ҳисобланган Африканинг планетамизда энг актив сиёсий муносабатлар зонасига айланганига сабаб нима? Бунинг сабаби аввало шундан иборатки, қора танлилар яшайдиган қитъа мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаб ўзининг тўла ҳуқуқи учун курашга қатъий бел боғлади. Ҳозирги кунда Африкадаги мустақил мамлакатларнинг ҳаммаси маълум даражада антиимпериалистик ўзгартишларни амалга оширмоқда, жаҳон миқёсида янги иқтисодий тартиб ўрнатилишини ёқлаб чиқмоқда, ирқчиликка ва мустамлакачиликка қарши курашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги 149 ўриннинг 49 таси уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Африка давлатлари ривожланаётган бошқа мамлакатлар билан биргаликда социалистик давлатлар билан бирлик фронти тузиб ҳаракат қилмоқдалар. «Африка — Осиё мамлакатлари, — деб тан олди «Нью-Йорк таймс» газетаси, — ўз манфаатлари Совет Иттифоқининг ташаббуси билан қўшилиб кетаётганлигини тобора яхши ҳис этмоқдалар. ...Бу — ғарб учун жуда хатарли бирликдир. Бу бирликка нифоқ солиш — АҚШнинг Африкада ўтказаётган янги сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан биридир».

Вашингтон ва унинг иттифоқчилари бу «муҳим» вазифани ҳал этишга уриниб, аввало Африкадаги тараққийпарвар режимларга путур етказиш, қўшни мамлакатлар ўртасида адоватни авж олдириш, иғвогарлик мақсадида территория можароларини уюштириш йўлини ўтказиб келмоқдалар. Африкада ана шундай «янги» сиёсатни амалга ошириш натижасида халқаро хавфсизликнинг шундай хатарли ўчоқлари вужудга келдики, улар ҳозирги кунда бутун жаҳоннинг эътиборини шу қитъага жалб этмоқда.

Ғарбнинг «янги сиёсати» социалистик йўл тутаётган мамлакатларга қарши қаратилган. Масалан, империалистлар Африка муғузида қуролли можаро чиқариб, Могадишодаги агрессорларга ҳужум қурол-яроғларини етказиб бериб, Эфиопиядаги янги режимга путур етказиш учун Сомали раҳбарларининг шовинистик ниятларидан фойдаланишга уриндилар. Эфиопия қитъадаги энг йирик мамлакатларнинг бири бўлиб, кескин ўзгаришлар йўлига ўтиб олди. Империалистик давлатлар ва аввало, АҚШ қитъанинг бошқа бир қисмида Жанубий Африкадаги ирқчиликка қарши курашнинг асосий қалъаларидан бири бўлган Ангола Халқ Республикасига қарши уч йилдан буён иғво ва фитналар уюштириб келмоқдалар. Мозамбикка доим қуролли ҳужум қилинмоқда. Оқларга ёлланган сотқинлар Бенин, Конго, Гвинея Республикасига қарши қаратилган фитналарда қатнашмоқдалар.

Дарҳақиқат, ана шу фитналар сиёсатидаги «янгилик» фақат шундан иборатки, АҚШ кейинги вақтларда ўзининг империалистик сиёсатини амалга оширишни Африка ва араб мамлакатларидаги ўнг режимлар зиммасига юклай бошлади. Бундан мақсад — биринчидан, Африка жамоатчилиги назарида ўз обрў-эътиборининг тамомила барбод бўлишига йўл қўймасликдан ва иккинчидан, ғарбнинг узоқ муддатга мўлжалланган муддаоларидан бирига эришиш, яъни қитъада жойлашган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни бузиш ва Африка бирлигига путур етказишдан иборат.

Масалан, АҚШ пропагандаси Сомали — Эфиопия можароси даврида Америка ўз қурол-яроғларини бевосита Могадишонинг ўзига эмас, балки учинчи мамлакат — Миср, Судан, Саудия Арабистони орқали етказиб бермоқда, деган баҳона билан Вашингтон бу можароларда қатнашмаяпти, деб даъво қилди. Анголада юз берган воқеаларда АҚШ асосий ролни Заир зиммасига, шунингдек Ангола Халқ Республикасига қарши қуролли иғвогарликни уюштираётган Жанубий Африка Республикаси зиммасига юклади.

Айни вақтда ғарб давлатлари яккама-якка, шунингдек НАТО ҳимоясида ғарбга тарафдор бўлган ўнг давлатларни бирлаштирувчи маҳаллий ҳарбий гуруҳларни тузиш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар. Ана шу ҳарбий блоклар Африка бирлиги ташкилотининг принципларига хилоф равишда Африкадаги мустақил мамлакатларнинг миллий суверенитетига путур етказиш ҳамда қитъадаги баъзи давлатларнинг бошқа давлатлар ички ишларига ҳарбий йўл билан аралашувини кўзда тутган ва ғарбга фойдали бўлган сиёсатни амалга ошириш йўлида замин тайёрлаш учун вужудга келтирилмоқда.

Масалан, Шимоли-Шарқий Африкада Қизил денгиз блоки деб аталган блок тузилмоқда. Миср, Судан, Сомали ва Саудия Арабистони диний-шовинистик асосда тузилаётган ана шу ҳарбий-сиёсий иттифоқнинг ташаббускорларидир. Африканинг ғарбий қисмида Франция шундай блокларни ташкил этишнинг энг актив тарафдори бўлиб майдонга чиқмоқда. Франция қитъада француз тилида гаплашувчи давлатларнинг бирлашган қуролли кучларини ва «ўзаро ҳарбий ёрдам» системаларини вужудга келтириш ғоясини илгари сурмоқда. Француз қўшинларининг ҳозирги вақтда Чад Республикасидаги партизанларга қарши ўтказаётган операциялари, шунингдек Африкада француз тилида гаплашувчи баъзи мамлакатларнинг территориясидан Заирнинг Шаба вилоятидаги қўзғолонни бостириш учун фойдаланилаётганлиги, ана шу янги мустамлакачилик режаларининг амалга оширилиши Африкани қандай машаққатларга дучор қилажагини яққол кўрсатиб турибди. Ниҳоят, қитъанинг жанубий қисмида НАТОнинг эгизаги — агрессив САТВ блокини вужудга келтириш режалари Жанубий Африка Республикасининг ирқчилари ҳимоясида тузилмоқда.

Шу қитъанинг жанубий қисмида Вашингтон билан Лондоннинг кузатган асосий мақсади — африкалик кўпчиликнинг манфаатлари йўлида кескин ўзгаришларни амалга ошириш эмас, балки ғарб гўё шундай ўзгаришларга интилмоқда, деган таассуротни қолдиришдангина иборат, албатта. Ирқчиларнинг фурсатни қўлдан бой бермай, ўз позицияларини мустаҳкамлаб, ватанпарварлардан қасос олишлари учун имконият яратиб бериш мақсадида шундай тактика ишга солинди. Янги мустамлакачилар шу мақсадда Родезия ва Намибияда ҳокимиятни қўғирчоқ режимлар қўлига топширмоқчи бўладилар. Улар қўғирчоқ режимларнинг ёрдамида Африкадаги мустақил давлатлар билан ирқчи Жанубий Африка Республикаси ўртасида «сиёсий жиҳатдан таянч» бўлиб хизмат қиладиган доирани вужудга келтиришни кўзда тутадилар. Ғарб бу билан, деб ёзади Англиянинг «Обсервер» газетаси, қитъанинг «оқ танлилар яшайдиган жанубий қисмини прогрессив йўлдан мустаҳкам равишда ҳимоя қилиш»га умид боғлайди. «АҚШ билан Англия бу ерда, — деб таъкидлайди газета, — жуда кўп маблағ сарф қилмоқда. Бу маблағлар апартеид шароитида қора танли ишчиларни эксплуатация қилиш йўли билан жуда кўп фойда олишни таъминлайди...

Кейинги вақтларда Жанубий Африкада рўй берган воқеалар ғарб мамлакатларининг бундай сиёсати Африка учун фожиали оқибатларни вужудга келтирганлигини яққол кўрсатиб турибди. Ғарб ўзини Намибияда африкаликлар кўпчилигининг ҳокимияти ўрнатилишидан манфаатдормиз, деб кўрсатмоқчи бўлди ва ҳатто СВАПО ватанпарварлар ташкилоти билан музокаралар ҳам олиб борди. Империалистлар қуроллантирган Претория ирқчилари эса Анголадаги намибияликлар лагерига ҳужум қилиб, уларнинг қонини тўкди. Ирқчиларнинг бошлиғи Ян Смит Англия — Америка дипломатияси яратиб берган нафасни ростлаб олиш фурсатидан фойдаланиб, Родезияда қора танли хоинларнинг ёрдами билан қўғирчоқ «ҳукумат»ни тузди. Бу «ҳукумат» ватанпарварлар ҳаракатини бостириш учун полиция билан армияни ишга солди. АҚШ ва унинг иттифоқчилари, — деб ёзган эди «Жорнал ди Ангола» газетаси, — жаҳон жамоатчилик фикрини ҳурмат қилган бўлиб ва сўзда ирқчиларни хўжа кўрсинга қоралаб, амалда уларнинг ўз жонини сақлаб қолишларига ёрдам бериш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қилмоқдалар. Африкаликларга сўз ва ваъда, ирқчиларга эса қурол-яроғ ва пул. Империалистик сиёсатнинг эски принципи ана шундай».

АҚШ президенти Ж. Картернинг яқинда Африкага қилган визити бу жиҳатдан диққат-эътиборга сазовордир. Бу — Оқ уй бошлиғининг тарихда Африка диёрига қилган биринчи расмий визити эди. Америка пропагандаси Вашингтоннинг «американча янги сиёсати»ни қўллаб-қувватлашга Африка раҳбарларини кўндиришга умид боғлаб бу визитга жуда катта аҳамият берди. Аммо «Крисчен сайенс монитор» газетаси бу сафарни якунлаштириб, унинг натижаларини «ғарбнинг дипломатия соҳасидаги мағлубияти» деб таърифлашга мажбур бўлди. «АҚШ президенти нима демасин, лекин фактлар Совет Иттифоқи эмас, балки Қўшма Штатлар ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари, — деб ёзади. Эфиопиянинг «Аддис земен» газетаси, — ҳамма жойда Африка мамлакатларининг тараққиётини хавф остида қолдираётганлигини исбот қилади. АҚШ СССРнинг, Кубанинг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ўз озодлиги, мустақиллиги ва территориал бутунлигини ҳимоя қилиш учун курашаётган Африка халқларига бераётган беғараз ёрдамига доғ туширишга интилиб, жамоатчилик фикрини ўзининг империалистик сиёсатидан четга тортишга уринмоқда, «Совет хавфи» тўғрисидаги сафсаталар билан Африка давлатларининг ишига аралашаётганлигини оқлашга интилмоқда. Аммо қитъада яшовчи халқлар ўзларининг душмани ва дўсти кимлар эканлигини жуда яхши биладилар».

Совет Иттифоқи ҳақиқатан ҳам Африка халқларининг адолатли ишини ёқлаб чиқмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида таъкидлаб ўтганидек, СССР «ёш давлатларнинг қонуний интилишларини, уларнинг империалистик эксплуатациядан тамомила қутулишга, ўз миллий бойликларини ўзлари тасарруф қилишига қатъий бел боғлаганликларини тўла равишда қўллаб-қувватлайди».

С. КУЛИК,
ТАССнинг сиёсий обзорчиси.

ОБЪЕКТИВДА— ҒАРБИЙ АФРИКА. Гвинея—Бисау Республикаси. «Но Пинча» газетасининг ҳар бир сони сатрма-сатр ўқилади (чапдаги сурат).

Бамако — Мали пойтахти. Бу ерда ҳар бир кунги тонг савдо иши билан бошланади.

Л. Кузнецов фотолари.
ТАСС фотохроникаси.

V INTERNATIONAL FESTIVAL OF FILMS FROM ASIA, AFRICA AND LATIN AMERICA
TASHKENT
May 23 to June 5, 1978

ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН

ШАҲРИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Тошкентда ўтаётган V Халқаро кинофестиваль қатнашчилари пойтахтимизнинг бугунги ҳаёти билан қизиқиб танишмоқдалар. Нигериялик кинорежиссёр Умар Уганда ва Нигер киноделегацияси бошлиғи Абду Тузук (чапдаги сурат) томошабинлар билан суҳбатлашишмоқда. Фестиваль қатнашчилари (ўнгдаги сурат) В. И. Ленин номли майдонни зиёрат қилмоқдалар.

Фестиваль фильмлари

ЯПОНИЯ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

ТАРИХ ғилдираги ҳамиша илгари одимлайди. Шу маънода ва умуман XX аср дунё халқлари тараққиётидаги беқиёс даврни ташкил этмоқда. Асримиз «техника асри», «атом асри», «космонавтика асри» деб бежиз аталаётгани йўқ-да! Адабиётда, санъатда, хусусан кино санъатида ҳаётимизга хос бўлган бу хусусиятлар ярқ этиб кўзга ташланади.

Яқинда таниқли кинорежиссёр С. Уилсон машҳур япон режиссёри Кэйтаро Михс ва голливудлик режиссёр Стэнли Вильсон билан ҳамкорликда «Махха 78» деган фильм яратди. Қизиғи шундаки, асарда, асосан, автопойгачилар ҳақида, пойгадаги энг ваҳимали қувишлар, қувиб ўтишлар... ҳақида ҳикоя қилинади. Фильмда 54 хилдаги 524 машина иштирок этади.

Фильм қаҳрамони — Тиаки Отомо. У—метис; автомобиль пойгачиси. Тиаки Отомонинг ташқи кўринишлари, юз бичими бир қарашда американликларга ўхшайди. Лекин у қалбан япон. Тиаки Отомо Японияда ўсиб улғаяди. Бора-бора юрагида бир тилак туғилади: Отомо ота юртини бир кўришга иштиёқманд бўлади. Шу истак йўлида бироз маблағ йиғиб, Американи сайр қилишга отланади.

Отомо Лос-Анжелесда тўсиндан автомобиль пойгаси ҳақида ҳикоя қилувчи фильмни суратга олаётган гуруҳни учратиб қолади. Япон пойгачиси Гаварда Нисимуранинг автомобиль пойгасидаги хавфли усуллари уни танг қолдиради. Лекин....

Келгуси йил Отомо яна Америкага отланади. Лекин бу гал сафарга ёлғиз чиқмайди. Унинг ҳамроҳлари—бир гуруҳ пойгачилар эди. Пойгачилар дарғаси Акира Кураси ҳамда Отомо: «Биз американликларга япониялик кимлигини кўрсатиб қўямиз!» деган жаҳдда америкалик пойгачилар билан мусобақага киришади. Пойга Американинг турли жойлари бўйлаб давом этади. Лос-Анжелес, Онтарио, Атланте ва Лонгбиче... Бу жойларда пойгачи ҳаётига ҳар зум, ҳар қадамда фожиа кутку солиб туриши шубҳасиз. Ҳам бунинг устига худди шу ерларда машиналарни узоққа сакратиш, тўртталасини бир-бири устига мингазиш ва шу сингари хавфли усуллар амалга оширилади. Дастлаб, ҳар жиҳатдан иккала команда тенг келади. Ниҳоят американликларнинг қўли устун кела бошлайди. Ана шунда Отомо ва Куроси, бўлак пойгачилар ҳам аччиқ изтироб чека бошлайди. Командаси ғалабаси учун Отомо ҳатто севгисидан ҳам воз кечади. Куроси командаси ғалабаси учун автомобилда денгизга сакрашдек ғайри оддий ишларга жазм қилади. Шуниси муҳимки, улар сўнгги сонияларгача мард, жасур, довюраклигича қолади!

Бу фильм кўп жиҳатлари билан от пойгасини эслатади. Зимдан қаралса, от пойгаси «эскириб» бораётгандек ва унинг ўрнини автопойгалар эгаллаётгандек туюлади. Мана шунинг ўзи ҳам ниҳоятда қисқа даврдаги асримизга хос бўлган беқиёс тараққиётни ўзида намоён этади.

Истеъдодли япон кинорежиссёри Е. Ямаданинг янги фильмида эса инсон садоқати ҳақида ҳикоя қилинади. Одатда жиноят қилган, қотилликка қўл урган кишилар инсоний муносабатларга қўшила олмай қолади, элдан чиқади. Худди шу масалани Е. Ямада бўлакча руҳда талқин этади. Эр қотилликда айбланади. Уни қамашади. Хотини ёш, у бирон кимсага турмушга чиқиб кетиши ҳам мумкин. Лекин бундай қилмайди. Гарчи, узоқ бўлса-да, вафодорлик билан эрини кутади. Келажакка умид билан қарайди.

Шу вазият моҳиятэътибори билан чуқур маъно касб этади. Негаки, мабодо хотин эрини кутмаганида, бўлак кишига турмушга чиқиб кетганида эди... қамоқдан эзилиб чиққан киши учун бу оғир зарба бўлар эди. Хотинининг интизорлик билан кутиши, ўз-ўзидан аён-ки, унинг қалбига умид, келажакка ишонч бағишлайди. Энг муҳими уни яна ҳаётга қайтаради!

Бугунги япон ҳаётидан ҳикоя қилувчи асарлардан яна бири «Ягюу фитнаси» дея номланади. Бу кенг экранли фильмда йирик хонадонлардан бири—Ягюу оиласи ҳақида, уларнинг муҳитда тузукроқ мавқега эришиш учун қилган пасткашликлари аниқ-тиниқ ҳикоя қилинади. Мамлакатнинг йирик районларидан бирида катта мавқелардан бирига Ягюулардан бирон кишининг кўтарилишига имкон туғилади. Шунда Ягюулар ҳар қандай алдамчиликдан, кўзбўямачиликдан қайтишмайди. Ўз мавқеларини янада ошириш учун ҳатто йўлда «хизмат» қилувчи қаллоб одамларни сотиб олишдан ҳам қайтмайди.

Таниқли режиссёр К. Фунасаку бу асарида бугунги япон ҳаётидаги аянч бир ҳодисани кўламли тарзда ифодалайди. Асарида мамлакат ҳаётига хос бўлган катта ижтимоий масалани кўтариб чиқади.

Сўнгги йиллар ичида яратилган япон фильмлари ичида қотиллик, жиноят, молиявий хазиналарни қўлга киритиш учун қилинган қабиҳликлар ҳақидаги асарлар аксариятни ташкил этади. Режиссёр Джюня Сатонинг «Инсонийлик» ҳамда режиссёр У. Иноуэнинг «Кобра (№-2)» фильмлари худди шу мавзуда яратилган. Тўғри, бу фильмларни бир-биридан мутлақо айириб тургувчи йўналишлар бор. «Кобра (№-2)» фильмида полиция агенти ҳақида ҳикоя қилинади.

Бу фильмда ҳам даставвал пойга ҳақида ҳикоя қилинади. Пойга чоғи авария содир бўлади. Кейин кетма-кет отишув, ёнғин ва ўлим рўй беради.

Табиийки, бу воқеаларда умумий муштараклик бўлади.

«Кобра (№-2)» номли полиция агенти шу жиноятни очиш йўлида тинимсиз изланади, уринади. Ва ниҳоят барча гуноҳкорларни маҳв этади.

«Инсонийлик» фильмида эса масала бўлакча тарзда қўйилади ва Джюня Сато танланган воқеаларга ўзига хос йўсинда ёндошади, ўзига хос йўсинда талқин қилади.

Асар қора танли Жонни Хейзарднинг Токиода содир бўлган тасодифий ўлими билан бошланади. Марҳумдан бор-йўғи тўзғиб кетган эски шляпа ва шеърлар битилган дафтаргина қолади, холос. Изқувар Кэн Шуфтанга бундан ташқари яна шу нарса аён-ки, у моделчи-рассом Кёко Ясуги асарлари кўргазмаси ўтаётган жойда ўлдирилди. Жонни асли Нью-Йоркда, Гарламеда улғайган бўлади.

Изқувар Кэн Шуфтан бу ишга киришган кезларида Кёконинг ўғли Кёхэй машинасида бир аёлни уриб кетади...

Кэн Шуфтан бу ишга ёш изқувар Мунэсуэни ҳам тортади. Мунэсуэ ўзича Жоннини асли япониялик, деб топади. Шляпа ва шеър дафтари унинг ўз юртига сайрга келганлигини изоҳлайди, дейди.

Бу орада Мунэсуэ Кёхэйдан шубҳаланиб, унинг изига тушади. Шу кезларда Кёхэй дам олаётган жойда учинчи қотиллик содир бўлади. Бу воқеаларда боғлиқлик борлигини изқувар пайқайди. Узоқ уринишлардан сўнг жиноят очилади. Жиноятчи Кёхэй эканлиги фош этилади...

Бу асарда ҳам барча жиноятлар молиявий хазина учун қилинганлиги аён бўлади.

«Кобра (№-2)» ва «Инсонийлик» фильмларидаги умумий яқинликни сезиш қийин эмас. Тўғри, бу асарлар томошабинда кўп ҳам фикрлашни талаб этмайди, айниқса саргузашт ишқибозлари жон-жон деб томоша қилади. Умуман олганда фильмлар саргузашт йўсинида эканлиги ҳам кўриниб турибди. Лекин, масаланинг иккинчи бир жиҳати бор. Қайси йўналишда бўлмасин, бу фильмлар Япониянинг бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қиляпти, мамлакат ҳаётининг айрим шароитларидаги фожиалар очиб берилмоқда.

Япониялик кинорежиссёрлар яратаётган фильмларнинг яна бир сираси бор. Булар уруш ҳақидаги асарлардир. С. Маританининг «Хаккода дарди» ва Д. Фукудонинг «Сайёралар аро уруш» фильмлари шулар жумласидан.

Фантастикага мойил руҳдаги асарида истеъдодли кинорежиссёр Д. Фукадо томошабинларни уруш хавфининг олдини олишга, тинчлик учун курашга даъват этаётгандек туюлади. Худди мана шу — тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашиш V халқаро Тошкент кинофестивалининг асосий шиоридир.

Япон кинематографчилари кейинги йиллар ичида яратган фильмлардан яна бири ва диққатга сазовори режиссёр Ю. Сэрикованинг «Митти» асаридир. Бу тўлиқ митражли мультфильм машҳур болалар ёзувчиси Ганс Христиан Андерсеннинг шу номли эртаги асосида яратилди. Воқеалар оқимидаги қизиқарлилик, эртак руҳига мос манзаралар томошабинни ўзига жалб қилади.

Юқорида айтилган фильмлар турли кинокомпанияларнинг маҳсулоти бўлганлиги учун ҳам уларда турлича йўналиш кўзга ташланади. Лекин аксарият фильмларда жамият ҳаётини, реал воқеликни ҳаққоний акс эттиришга рағбат сезилади. Кўпчилик фильмлар мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида рўй бераётган прогрессив ўзгаришларни ифода этади. Умуман олганда эса, бу асарлар Япония ҳаётини ўзида акс эттираётган бир кўзгу, дейиш мумкин.

Ғ. ҲОТАМОВ.

● «Ўзбекфильм» туҳфалари

ИККИ ДАВР ҚИССАСИ

Таниқли ўзбек кинорежиссёри, СССР халқ артисти Малик Қаюмов ўзининг қатор кенг кўламли, рангларга бой, сермазмун асарлари билан санъат ихлосмандларига яхши таниш. Яқиндагина унинг таниқли адиб, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Ҳамид Ғулом билан ҳамкорликда яратган Мирзачўл ҳақида «Мирзачўл» ҳужжатли фильми Бутуниттифоқ санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотган эди. Шаҳримизда ўтказилаётган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг V Халқаро Тошкент кинофестивалига машҳур кинорежиссёр ўзининг янги асари билан қатнашмоқда. Кухи кеча Санъат саройида ҳужжатли фильмларнинг намойиши тантанали равишда очилди. У Малик Қаюмовнинг ана шу — «Паранжи» ҳужжатли фильмининг намойиши билан бошланди. Бу асарда ўзбек ҳаётининг икки кўриниши ўз ифодасини топган. Фильмда ўзбек хотин-қизларининг инқилобгача кўрган зулм ва уқубатлари ва инқилобдан кейинги фаровон турмуши ҳақида лирик-публицистик руҳда ҳикоя қилинади. Асарда паранжи ўзбек хотин-қизларини бўғиб турувчи, уларга зулм ўтказувчи чуқур рамзий маънога эга.

Малик Қаюмов «Паранжи» фильмида яратган ёрқин манзаралар томошабинда шундай таассурот қолдиради. Бизга тарих китобларидангина маълум бўлган — паранжини ўтга ташлаш, хотин-қизларимизнинг озодликка чиқиши фильмда жуда тиниқ кўрсатилган.

Асарда рангларни ҳолатга мослаб танланишнинг ўзиёқ жуда катта рамзий маъно касб этади. Дастлаб, экранда оқ-қора тусда Тошкентнинг кўҳна ва тор кўчалари акс-ланади. Кўча бўйлаб бораётган аравани ва аравадаги паранжига ўранган аёлни кўрамиз. Кейинги эпизодларда эса ўзбек аёлларининг эрк учун кураши акс эттирилади. Бу ҳужжатли кадрлар бизга ўша даврдаги ўзбек хотин-қизларининг турмуш тарзи, уларнинг аянчли қисмати ҳақида тушунча беради.

Кейин экранда рангли манзаралар акс этади ва кўз ўнгимизда тенг ҳуқуқли совет қиз-жувонларининг бахтиёр чеҳралари намоён бўлади. Бугунги кунда минглаб ўзбек қизлари олий ўқув юртларида таҳсил кўрмоқда. Юзлаб қиз-жувонларимиз илм соҳасида муваффақиятли иш олиб бормоқда, кашфиётлар яратмоқда. «Зангори кема»лар рулини бошқариб, дунёга довруғ таратмоқда. Фильмнинг кейинги қисмларида худди мана шу бахтиёр совет хотин-қизларининг сермазмун ҳаёти ўз ифодасини топган.

Ўтмишдаги эзилган аёлларимиз ва бугунги бахтиёр хотин-қизларимиз ҳақидаги Малик Қаюмовнинг «Паранжи» асари ана шу жиҳатлари билан томошабинларни ҳаяжонга солди.

А. ҚЎЧИМОВ.

Тошкент кинофестивалининг қатнашчиси ҳинд кино актрисаси Жейна Виджал халқаро форумга келганлигидан мамнун.

СУРАТДА: Жейна Виджал.

Л. Глауберзон фотоси.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ИМОМНАЗАРОВА: Биз бу йил бир группа қизлар ўрта мактабни тугаллаганимиздан сўнг шаҳримизнинг Акмал Икромов райони, Бобир кўчасида қурилган Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг билим юртига ўқишга кирмоқчи эдик. Айтингчи, бу билим юртига бу йил ўқувчилар қабул қилинадими? Қабул шартлари қандай?

Жавоб: Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг савдо билим юрти кондитерлик, гастрономия, гўштбалиқ, сут маҳсулотлари шунингдек, газлама, тикувчилик буюмлари, тайёр кийим-кечаклар, пойафзаллар, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик буюмлари бўйича юксак малакали сотувчилар, сотувчи-консультантлар, сотувчи-контролёр-кассирлар етиштиради. Билим юртига аризалар қабул қилиняпти. Машғулотлар шу йил сентябрь ойидан бошланади. Бу ерда ўқиш муддати 8-синфни тугаллаганлар учун икки йил, ўрта маълумот эгалари учун бир йилдир.

* * *

Д. МУРОДОВ: Тошкентда болалар ательеси бор экан. Шу ҳақда билишни истардик.

Жавоб: Бу йил шаҳримизда биринчи бор «Алёнушка» болалар ательеси очилди. Бу ерда фарзандларимиз учун ҳар хил костюмлар ва кўйлаклар тиктириш мумкин. Ателье Юнусобод массиви, Б—1 кварталида жойлашган. У ерга 51-автобус ва 25-трамвайларда бориш мумкин.

* * *

Ф. АБДУЛЛАЕВ: Биз бутун синфимиз ўқувчилари билан ўрта мактабни бирга битирганлигимизда хотира бўлсин деб, суратга тушмоқчи эдик. Шаҳримизда бундай буюртмаларни бажарадиган фотоателье борми?

Жавоб: «Тошкент» фотостудияси мактаблар, олий ўқув юртларини битирувчиларга ана шундай хизмат усулини кўрсатмоқда. Бу ерда альбомлар ва виньеткалар тайёрланади. Буюртмалар фотостудиянинг ўзида ҳам, суратчининг жойларга бориш йўли билан ҳам бажариб берилади. Бунинг учун Сизлар бирмунча вақт илгари буюртмани расмийлаштиришингиз керак. Бу фотостудия Луначарское шоссеси, 105-«а» уйда жойлашган. Унинг телефони 66-57-54.

* * *

С. ИКРОМОВА: Олтин узук ва исирғалар қаерда ремонт қилинади?

Жавоб: Шаҳримизнинг Весна кўчаси, 243-уйида жойлашган «Техсложбитприбор» комбинати олтин узук ва исирғаларни ремонтдан чиқариш билан шуғулланади. У ерга 25-автобус билан бориш мумкин.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

«Оралиқ масофага амал қилинг!» Шаҳримиз бўйлаб қатнаётган жуда кўп трамвайларга ана шундай сўзлар ёзиб қўйилган. Бу бежиз эмас албатта. Темир излар бўйлаб ҳаракат қилувчи электр транспорти воситаларини хавфли вазиятлар вужудга келиб қолган тақдирда бирон бир томонга буриб юбориб бўлмайди. Нотўғри танланган масофа шунинг учун ҳам кўпчилик ҳолларда хунук оқибатларга олиб келади.

Навоий кўчасида ана шундай ҳодиса юз берди. 2043 рақамли «ЛМ-57» трамвайнинг ҳайдовчиси А. Каримов оралиқ масофани нотўғри танлаганлиги ва эътиборсизлиги туфайли олдинда ҳаракатланиб бораётган 2112 рақамли «РВЗ—6» трамвайига урди. Тўқнашув пайтида қоидани бузган ҳайдовчининг ўзи ва шу трамвайда кетаётган пассажирлардан бири жароҳатланди.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

Педагог ўйлари

ШИРИНСУХАНЛИК— ЯХШИ ФАЗИЛАТ

— Тилингдан бол томсин, болам! Ота-оналаримизнинг ҳикматона бу ибораларида бир олам мазмун бор. Маълумки, инсон кўнгли нозик. Шундай экан, хушмуомалалик, ширинсуханликка нима етсин! Кексаларимиз «яхши сўз — жон озиғи, ёмон сўз — бош қозиғи» деб бежиз айтишмаган. Халқимизнинг бундай оқилона фикрларида кишилар ўртасида бўлган яхшилик билан ёмонлик, хушмуомалалик билан дилозорлик таққосланган.

Ҳақиқатан, камтар киши андишали, ҳаёли, кам гап, ўйлаб гапирувчи, қирқ ўлчаб бир кесувчи. Маслаҳат сўраганингизда: «Шундай эмасмикан? Шундай қилинса яхши чиқмасмикан, шундай қилинса яхши бўларди», деб холисона жавоб қилади. Шундай фазилат аввало у кишиларнинг ширинсуханлигида, кишилар билан муомала қилишида, уларга нисбатан иззат-ҳурмат билан қарашида яққол кўриниб туради, ҳамма бу кишини ҳурмат қилади.

Камтарлик хислатлари йўқ кишилар беандиша, ҳаёсиз, қўпол, манфаатпараст, манман бўладилар. Камтарлик, ширинсўзлик, хушмуомалалик коммунистик ахлоқ, коммунистик тарбиянинг энг муҳим ажралмас бир қисмидир. У кишилар ўртасидаги дўстлик, бир-бирига бўлган ҳурмат-иззат туғдирувчи гўзаллик белгиси ҳамдир.

Чин инсонларда бўлган камтарлик, хушмуомалалик кишилик жамиятида алоқа-англашув қуроли бўлган тил маданияти билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Кишилар билан сўзлашиш, муомала қилиш, яхшилик, тинчлик билан иш битириш одобини ҳамма ҳам билавермайди. Кишилар билан сўзлашганда унинг ёшига, аёлми, эркаклигига қараб муомала қилиш одоби, маданияти ўз ичига жуда кўп нарсани олади. Ўзининг ширин сўзи, одилона берган маслаҳатлари, бошига тушган яхши-ёмон кунларида ёру-биродарларига далда бериш, ҳар кимнинг раъйига қараб гаплашиш, шундай пайтларда ахлоқ-одоб доирасидан чиқмаслик каби хислатлар олий хислатлардир. Бунга эришиш учун бола тарбиялаётган ота-оналаримиз ўз ўғил-қизларини ёшликдан бошлаб ҳамма вақт яхши сўз сўзлашга, ширинсухан бўлишга одатлантириб боришлари керак. Шуни унутмаслик керакки, боладаги бўлган ҳар қандай хусусият, ахлоқ-одоб, айниқса, сўз одоби ҳам аввал оилада таркиб топади. Шунинг учун доноларимиз: «Қуш уясида кўрганини қилади», деганлар. Агар ота-оналар аҳил-тотув, ўзлари ҳар вақт бир-бирларини иззат-ҳурмат қилсалар, шу оилада тарбия олаётган фарзанд ҳам шундай олижаноб фазилатни ўзига сингдириб боради, шу қабилда вояга етади. Мабодо бунинг акси бўлиб қолган тақдирда, ундай боладан яхши фазилат кутиш қийин.

Биз яқинда икки оилада бўлган икки хил воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бири биздан бир тупик нарида турувчи Адиба опадир. У ташқи кўринишидан ҳаётни тушунган, ўқимишли кўринади. Минг афсуски, у қачон бола уришадиган бўлса, оғзидан боди кириб-шоди чиқади.

Иккинчи оилада тамоман бошқача бир ҳолатни кўрамиз. Раҳима опанинг ўғли Маҳмуд бирор ноўрин иш қилиб қўйган бўлса керак. Лекин бу она Адиба опа каби бақириб-ҳайқириб чақирмади. Аксинча, боласига мулойимлик билан қараб: «Ўғлим шу қилмишинг яхшими, қаттиқ гапирсам хафа бўласан. Ҳар иккимизнинг дилимиз озор чекади. Шунинг учун Олил, Қодир каби ўртоқларингдан ибрат олиб, ўз ишларингни ўзинг билиб қилсанг бўлмайдими? — деб ётиғи билан тушунтиради. Бу гап ўз фарзандига анча таъсир қилди. Бола бошини қуйи солиб туриб: «Ойи, кечиринг, энди бунақа ўринсиз ишларни қилмайман», — деб жавоб берди.

Кўриниб турибдики, икки оилада болага нисбатан оналарнинг муомаласи икки хил: бири бола тарбиясини бузади, бири яхши йўлга бошлайди. Бақириш-ҳайқириш, ёмон сўзлар билан қарғашдан яхши натижа кутиб бўлмайди, бу ҳолат болани ўжар қилиб қўяди. Ўртоқлари олдида унинг юзини ерга қаратади. Болани бўлар-бўлмасга уриш, сўкиш, койиш, хафа қилиш ота-оналар учун муносиб эмас. Бундай ҳолат бола тарбиялашда қаттиққўлликка ҳам кирмайди. Болани ҳамма вақт ўз айбига иқрор қилибгина берилган тарбиядан муваффақиятга эришиш мумкин.

Хулоса шуки, катталар ўртасида бўладиган хушмуомалалик, ширинсўзлик, бир-бирига нисбатан бўлган иззат-ҳурмат фарзандларимизга тез таъсир кўрсатади. Шундан сўнг оиладаги бўлган бир-бирига садоқат, ишонч мустаҳкамланади. Уларнинг кайфияти ҳамма вақт яхши бўлиб, руҳан тетик ва ва баркамол яшайдилар.

Ф. НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, кекса педагог.

ТАЪЛИМ ОДОБИ

(Машҳур олим Ризоуддин ибн Фахриддиннинг «Одоби таълим» китобидан).

⊙ ИСТИФОДА.— Илм, маърифат, одоб ва камолнинг ниҳояти йўқлиги, бепоён экани маълумдир. Шунинг учун муаллим бўлган зот мулоқати билан мушарраф бўлган олим, фозиллардан, китоб, рисола, газета ва журналлардан истифода қилиши, яъни фойдаланиши лозимдир. Агар илмни бир камолот деб ишонса, ҳар кун, ҳар соат, балки ҳар минут истифодадан қолмаслиги зарурдир.

Чўнтакда ҳар вақт бир хотира дафтари сақлаб эшитилган, ёки кўнгилга келган сўзларни дарҳол ёзиб олиб, кейин керак бўлган ўринларига мурожаат этиш ҳам истифода жумласидандир.

⊙ ТАРИХ.— Муаллимлар тарих илмидан маълумотли бўлсалар, шу илмга муҳаббат боғласалар, уларнинг шогирдлари ва шогирдларнинг воситаси билан умумхалқ бу муҳим илмга муҳаббат боғлайди, ҳамма бу илмнинг фойдасини билиб ўрганишга киришади.

Муаллим тарих дарсининг биринчи соатидаёқ бу илмнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб, машҳур муаррихлар ва уларнинг асарлари билан шогирдларни таништириши муносибдир.

Тажрибаларга кўра, тарихдан хабардор бўлган одам ақлли, тўғри фикрли ва тадбирли бўлади.

Муаллим шогирдларига:

— Ўқинг, улуғ олим ва шуҳратли муаллиф бўласиз, — деб қуруқ насиҳат билангина кифояланса, насиҳатидан кутилган самара ҳосил бўлмайди. Агар у тарихга таяниб илм, фан арбобларининг таржимаи ҳоллари, қилган хизматлари билан шогирдларини таништирса, у вақтда шогирдларда илм туйғуси зиёда бўлади, уларда машҳур илм, фан арбоби қаторида бўлиш орзуси ҳосил бўлади, завқ-шавқ билан ўқишга киришадилар. Тарихий далил ҳеч вақт мағлуб бўлмайди, бу эса ҳар кимга маълумдир.

⊙ АДОЛАТ.— Гўзал хулқларнинг энг гўзалларидан бири адолатдир. Ҳар ишда адолат узра бўлиш ҳар ким учун лозим бўлса ҳам, тарбия билан машғул бўлган муаллимлар учун яна ҳам кўпроқ лозимдир. Адолат эгалари ҳар мақсаднинг ўз йўлича борадилар, ҳеч кимга тош отмаганлари ҳолда умид этган нарсаларига эркин ва тўғри бориб эришадилар.

Бир сўзни ҳақ сўз бўлгани учун қабул этиш ёки ботил сўз бўлгани учун рад қилиш адолатдир. Иккинчи ибора билан айтганда, ҳақ сўз ким сўзлаган бўлса ҳам ҳақ бўлиб, ботил сўз ким томонидан сўзланмасин, ботилдир.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

Мана бу суратда сиз шаҳримиздаги «Сувенир» фабрикасининг коллективи ишлаб чиқараётган совға буюмларининг айрим намуналарини кўриб турибсиз. Кўзни қувонтирадиган, чиройли, турли материаллардан ясалган бу буюмларни пойтахтимиз меҳмонлари севиб харид қилишади.

М. Нуриддинов фотолари.

..амшаҳарларимизнинг дам олиш маршрутлари

ОРОМГОҲЛАР ҚЎЙНИДА

Шаҳримиз атрофидаги тоғлиқлар ва маржон нўллар соҳиллари баҳор ва ёзда янада кўркамлашиб, ўзгача қиёфа касб этади. Ҳамшаҳарларимиз ишдан бўш вақтларида кўнгилли дам олиш учун ана шу хушманзара оромгоҳларга ташриф буюрадилар. Тошкентдаги корхона ва ташкилотлар, ўқув юртларида бу йилги дам олиш мавсуми учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда? Яқинда мухбиримиз шаҳардаги бир қанча корхоналарнинг касаба союз комитети раислари билан учрашиб, дам олувчилар учун яратилаётган қулайликлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

ҲАР ЙИЛИ БЕШ МИНГДАН ОРТИҚ

Эркин ҲАМИДОВ,
тўқимачилик комбинати касаба союз комитетининг раиси.

— Комбинатимизда ишчи ва хизматчиларнинг намунали дам олишини ташкил этишга алоҳида эътибор бериляпти. Ўтган йили 453 киши санаторийларда, 580 киши дам олиш уйларида, 184 киши эса туристик сафарларда бўлишди. Бундан ташқари, 17 ишчи оиласи билан санаторийларда дам олиб қайтди. Бу йилнинг 4 ойи мобайнида 150 га яқин ишчи ва хизматчи санаторий ва дам олиш уйларида, туристик сафарларда бўлди.

Комбинатимиз қошида очилган профилакторийда ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Ўтган йили ана шу профилакторийда 900 ишчи саломатлигини мустаҳкамлади.

Бу йилги дам олувчилар сони бундан ҳам кўпайди. Биз ишчиларнинг пархез таомлар билан овқатланишлари учун ҳам путёвкалар ажратмоқдамиз. Ўтган йили ана шундай ошхонамиздан 1240 киши овқатланган бўлса, ҳозирга қадар 230 дан ортиқ киши бу қулайликдан фойдаланди.

Ишчиларга ажратилаётган путёвкаларимизнинг кўпчилиги мамлакатимизнинг марказий санаторий ва курортларигадир. Яқинда Н. Петрова Болтиқ бўйида, З. Чернамоз, Р. Семендова Сочидаги «Ўзбекистон» санаторийсида дам олиб қайтишди. Меҳнатда пешқадамлик қилаётган бундай ишчиларимизга путёвкалар бепул берилмоқда.

Биз ишчи ва хизматчиларнинг ёзни кўнгилли ўтказишлари учун ҳам шарт-шароитлар яратганмиз. Ўтган йили уч мавсумда 1850 кичкинтой лагерларда дам олиб қайтди. Бу йил ҳам шунча миқдордаги ишчи фарзандлари Чорвоқ денгизи атрофида жойлашган «Текстильщик» пионер лагерида дам олиб қайтади.

Корхона ишчиларининг коллектив бўлиб дам олишларини ташкил этиш тадбирлари кўрилмоқда. Шанба ва якшанба кунлари Хумсон ва Тошкент денгизи ёнида жойлашган дам олиш зоналарида кўпчилик ҳордиқ чиқариб қайтмоқда. Фақат ўтган йили бу жойларда 24,5 минг киши дам олди. Яқинда 20 та машинада 2 мингга яқин комсомол-ёшларимиз Чимёндаги хушманзара жойларда бўлишди.

САФИМИЗ КЕНГАЙДИ

Бахтиёр МИРЗАЖОНОВ,
«Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси.

— Корхонамиздаги ишчилар сафи бу йил янада кенгайди. Сергелидаги мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам бизнинг ихтиёримизга ўтиб, ҳозирги кунда ишчиларимиз 2971 кишини ташкил этди. Уларнинг мароқли дам олишларини уюштиришда бирлашма касаба союз комитети барча тадбирларни кўрмоқда. Йил бошидан бери ишчилар учун 33 та туристик, 37 та дам олиш уйларига ва 31 та санаторийга путёвка ажратилди. Биз бу путёвкаларни биринчи галда меҳнат илғорларига ажратяпмиз.

Ишчи В. Серов яқинда «Чортоқ» санаторийсида дам олиб қайтган бўлса, А. Кузнецова Сочида бўлди. Шунингдек, Л. Новикова Нальчикда, А. Ибраева Қозоғистондаги «Янгиқўрғон» дам олиш уйида, Ҳ. Тўлаганов «Одесса» дам олиш уйида ҳордиқ чиқаришди. Июнь ойида корхонамизнинг тўрт ишчиси туристик путёвка билан қардош Венгрияга боради.

Яқинда Улуғ Ватан уруши иштирокчиси Ўринбой Турсунов бепул туристик путёвка билан қаҳрамон шаҳарларда бўлди.

Ишчиларнинг фарзандлари учун эса Чорвоқ денгизи атрофида корхона пионер лагери қурилади. Ҳозирча ҳар йили юзга яқин кичкинтойлар шаҳримиз чеккасига жойлашган пионер лагерларида область касаба союз ташкилоти ажратган путёвкалар билан дам олишмоқда.

Корхонамизда беш йилликни уч йилда бажариш ташаббусига қўшилган ишчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Булар М. Ҳолматова, Е. Добрикова, Р. Домина каби пешқадамлардир. Ўн тўртлар ташаббусига қўшилиб ишлаётган Ш. Искандаров, Т. Аминжонов, В. Коронторова каби илғорларимиз эса ойлик топшириқларини ҳамиша ортиғи билан адо этиб, ёшларга ўрнак бўлишмоқда. Биз яқинда ана шундай ишчиларимизнинг оилавий дам олишларини уюштирдик. Шаҳримиз чеккасидаги хушманзара оромгоҳларга қилинган сафар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

ШОФЁРЛАР УЧУН

Виктор КОРОВУШКИН,
«Главташпассавтотранс» бошқармасига қарашли 4-автобус парки касаба союз комитетининг раиси.

— Корхонамизда 300 шофёр ишлайди. Улар ҳар куни 111 та машинада 100 мингдан ортиқ йўловчи манзилини яқин қилмоқда. Ҳозир 25-маршрутда ишлаётган Тельман Абдураҳмонов беш йиллик планни бажариб бўлди. Бу азамат шофёримиз ҳар кунги планни 170 процент адо этиб, барчага ўрнак бўлмоқда. Бунга ўхшаш шофёрлар корхонамизда ўнлаб топилади.

Биз шофёрларнинг кўнгилли дам олишлари учун шаҳар атрофида оилавий ҳордиқ чиқаришни кўп бор ташкил этдик. Бундан ташқари, дам олиш уйларига, санаторий ва туристик саёҳатлар учун путёвкалар ажратилди. Ҳозирга қадар корхонанинг 30 дан ортиқ ҳайдовчиси шаҳримиз атрофидаги ва бошқа жойлардаги оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришди. Яқинда икки слесаримиз ГДРга туристик саёҳатга боришади.

Шаҳримиздаги 3-таксопаркда ташкил этилган профилакторийда ҳам автохўжалигимиз шофёрларидан ҳар ойда уч киши саломатлигини мустаҳкамламоқда. Шофёрларнинг фарзандлари эса Ангрендаги Стрельцов номли пионерлар лагерида ёзни кўнгилли ўтказишади.

СУРАТДА: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия институти сликатлар химияси лабораториясининг кичик илмий ходимлари Маъмура Тоирова ва Маҳмуда Муҳаммаджоноваларни кўриб турибсиз. Улар бўғиқ сирлар таркибидаги кристаллар формасини микроскопик усулида аниқламоқдалар.

И. Шоиноғомов фотоси.

ЯНГИ ШИФОХОНА

БОКУ. Каспий денгизи соҳилида янги «Қизил гум» пансионатининг биринчи навбати ишга туширилди. Катталар ва болаларнинг дам олиши ҳамда даволанишига мўлжалланган шифохона қуриб битказилгандан сўнг бир йўла 500 кишини қабул қила олади.

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Халқ сиҳат-саломатлигини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорида инсон саломатлигини тиклаш, ота-оналар билан болаларига курорт тармоқларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилган,— деб ҳикоя қилади республика касаба союзлари советининг раиси З. И. Гусейнова. — Ана шу мавсумдаёқ Каспий денгизи соҳилидаги, тоғли Ажикентдаги курорт посёлкаларида янги оилавий пансионатлар ишга тушади. Шифобахш нефти билан шуҳрат қозонган «Нафталанг» курортидаги коттежлар шаҳарчаси меҳмонларни кутмоқда.

Шу беш йилликда курортлар қурилиши учун ўтган беш йилдагига нисбатан бир ярим баравар кўп маблағ ажратилди.

⊙ СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

ЧУМОЛИНИ ЙЎҚОТИБ БЎЛАДИМИ?

Бизнинг уйимизда баҳор ва ёз ойлари чумолилар жуда кўпаяди, шипдан ва бурчаклардан қипиқ тўкади, уларни қандай қилиб йўқотиш мумкин, шу ҳақда маслаҳат берсангиз.

А. ДУСТМУҲАМЕДОВ,
пенсионер.

Чумолилар уйнинг айрим қисмларига зарар етказади, озиқ-овқатни ифлослайди, қорин тифи ва дизентерия касалликларини тарқатади.

Чумолини йўқотиш учун уларнинг инига ДДТ, гексахлоран, пиретрум сепиш, кўчиб ўтиш йўлларига елимшак қоғоз ёйиш керак. Чумолиларни энг яхшиси, заҳарли «ем» қўйиб қириш лозим. Бунинг учун эмалланган кастрюлькада икки стакан (400 грамм) сув қайнагунча иситилади, сувга чорак бир стакан шакар ва чоракта чой қошиқ танакор солинади, булар тўла эригунча кастрюлкадаги сув аралаштириб турилади, кейин кастрюлка оловдан олинади, суви совигач, прим чой қошиқ асал қўшилади. Парча-парча пахта шу эритмада ҳўлланиб чумоли тўпланадиган жойларга қўйилади ва ҳар 10—15 кунда алмаштириб турилади.

Хамиртуруш (дрожже)ни сувда эритиб, мураббо ёки шакар солиб буфетга қўйилганда ҳам чумолилар кириб кетади. Шўр балиқ ҳиди чумолиларни қочиради, аммо шўр балиқ буфетда узоқ турмасин, акс ҳолда ҳиди озиқ-овқатларга ўрнашиб қолади. Шу сабабли шўр балиқни чумолилар йўлига қўйган маъқул.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

КИМНИНГ СОЧИ УЗУН?

Швецияда жуда бир ғаройиб конкурс бўлиб ўтди. Конкурс кимнинг сочи энг узун ва энг чиройли эканлигини аниқлаб бериши керак эди. Конкурсда 65 нафар аёл қатнашди. Шу аёллар 10 нафари ҳар бирининг сочи узунлиги 120 сантиметрдан зиёдроқни ташкил этди. Лекин мусобақанинг бош соврини Стердгертлик Ванда Маргулега насиб этди. Ванданинг сочининг узунлиги 144 сантиметр экан. Конкурс ғолиби мусобақада ғолиб чиққан сочини кериб йигирма йил парваришлаган экан.

СПОРТ

МУСОБАҚА ЎТКАЗИЛДИ

Ангрен яқинида ҳарбий-амалий спорт кўпкураши бўйича мотоциклчилар ўртасида Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ўтказилди. Мусобақада республикамизнинг 7 областидан ДОСААФчи — спортчилар иштирок этишди. Улар мерганлик, граната улоқтириш, кросс ҳамда мотоцикл пойгаси бўйича ўзаро баҳслашдилар. Умумкоманда ҳисобида Тошкент области вакиллари биринчиликни эгаллашди. Шахсий ҳисобда эса пойтахт области вакили А. Селютин пешқадамлик қилди.

МАВСУМ ТУГАЛЛАНДИ

Мамлакатнинг энг жанубий Тошкент яхмалагида муз устида ўйинлар мавсуми тугалланди. «Юбилейний» марказий спорт залида «Тошкент конькиси» соврини учун фигурали учиш бўйича мусобақа ўтказилди. Унда Олмаота, Свердловск, Куйбишев, Қарағанда, Кирово-Чепецк, Первоуральск, Тошкент фигурачилари қатнашдилар.

Мусобақалар мастерликка номзод программаси бўйича ўтказилди. Тошкент музи куйбишевлик Надежда Шабалина ва турнир мезбони Равшан Жалоловга омад келтирди. Улар якка учиш бўйича ғолиб чиқдилар. Қарағандалик спортчилар — Ольга Мишченко билан Владимир Риммер муваффақиятли қатнашдилар. Свердловсклик Елена Святова ва Игорь Новодран энг яхши рақкос жуфт деб эътироф этилди. Тошкент мактабининг вакиллари Лариса Попова билан Олег Брусов иккинчи ўринни эгалладилар.

Ушбу анъанавий турнир янги босқичга кўтарилгандек бўлди. Қатнашчилар ва судьялар коллегиясининг состави жанубий яхмалакда биринчи марта мастерликка номзод нормативини бажаришга имкон берди. Етти фигурачи шу номга сазовор бўлди.

(ЎзТАГ).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/V да **Риголетто** (билетлар сотилган), 26/V да **Севги ҳақида қисса** (билетлар сотилган), 27/V да **Концерт** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/V да **Саҳро тор,** 26/V да **Ганг дарёсининг қизи,** 27/V да **Ғариблар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25, 26/V да **Тошкентнинг нозанин малинаси.**

ЦиРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва давлат муз устида цирк артистларининг гастроллари. Хоккейчи айиқлар.**

КИНО

25 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

Тақдир— «ДРУЖБА» (18, 20.40).

Шум бола — «МОСКВА» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Мимино — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

Сув ости салтанатининг маликаси — «ХИВА» (20.30).

Собир Раҳимов районидаги 234-мактаб томонидан **Саидхўжаева Наима Раҳматовна** номига берилган 308288 номерли йўқолган

ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Октябрь районидаги 84-мактаб томонидан **Латипов Турсунбой** номига берилган 502475 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Куйбишев районидаги 112-мактаб томонидан **Холтоев Омонгельди Эргашевич** номига берилган 960087 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

40-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати— 1—2 йил.

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: қурилишда машиналарни ремонт қилувчи слесарлар, сантехника слесарлари, экскаватор машинистлари, минорали кран машинистлари, станокда ишловчи дурадгорлар, дурадгорлар, бўёқчилар, автослесарлар.

Билим юртига 8-10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 14,5— 17,5 ёшдаги йигитлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар кунига 3 марта бепул овқат, формали кийимлар ва махсус кийимлар билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг учдан бир қисми мукофот тариқасида ўқувчиларга берилади.

Билим юртида кечки сменали мактаб ташкил қилинган. Ўрта маълумотлиларга 30 сўм стипендия берилади.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ҳамда олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: Билим юрти директорининг номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат, маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома (асли), турар жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат.

Аризалар қуйидаги адресда ҳар куни (дам олиш кунидан ташқари) **соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Луначарский шоссеси, 69-уй. Телефонлар: 66-09-96; 66-09-98 (13, 22-трамвайларнинг «Консерва заводи», 1, 4, 69, 62-автобусларнинг «Партия мактаби» бекатлари).

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

«Зангори олов» турмушда жуда қулай бўлиши билан эҳтиётсизликни ёқтирмайди.

Газдан фойдаланиш қоидаларига озгина бўлса ҳам риоя қилмаслик портлаш, ёнғин, заҳарланиш ва бўғилиб қолиш сингари бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқаради.

«ТАШГАЗ» БИРЛАШМАСИ

икки конфоркали беш литрли газ баллони бўлган стол газ плиталаридан фойдаланувчи гражданларга унга турмушда, шунингдек шаҳар атрофига чиққанда диққат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кераклигини

БИЛДИРАДИ

Газдан фойдаланиш бўйича махсус инструктаждан ўтган кишиларгагина газ плиталарини ишлатишга рухсат берилади.

«БАЛТИКА» босим регуляторининг газ баллонига мустаҳкам ўрнатилганлигига алоҳида аҳамият бериш зарур. Регулятор баллонга зич туширилган бўлиши ва газнинг чиқиб кетмаслиги лозим.

Баллонларни иситиш манбаларидан узоқда (гулханлар, қуёш нури, печлар, электр иситиш асбоблари ва бошқа шунга ўхшаш воситалардан) нарида ишлатиш керак. Чунки бундай эътиборсизлик баллонни қиздириб юборади ва портлаш ҳамда ёнғин келтириб чиқаради.

Газнинг чиқишини олов билан текшириш,
баллонларни жамоат транспортида ташиш,
газ баллонларини ўта қиздириб юбориш,
болалар ва инструктаждан ўтмаган кишилар, шунингдек маст кишиларнинг газ плиталарини ишлатишлари

ҚАТЪИЙ МАН ЭТИЛАДИ

Газ ҳиди сезилганда газдан фойдаланишни дарров тўхтатиш, эшик ва деразаларни очиб юбориш лозим, олов ёқмаслик керак, газ ҳиди чиқиши тўхтатилмагунга қадар электр асбобларини ёқиш ёки ўчириш мутлақо мумкин эмас.

Газдан ва газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилинг!

«ТАШГАЗ» БИРЛАШМАСИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг
Электротехника ва электр саноати учун малакали мутахассислар тайёрлаб берувчи пойтахтда ягона

34-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Прессформа штамплар ва мосламалар тайёрловчи ва ремонт қилувчи слесарь-асбобсоз, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, саноат электр асбоб-ускуналаридан фойдаланиш ва уларни ремонт қилувчи электромонтёр, универсаль токарь, иккиламчи коммутация занжирларини монтаж қилувчи электр монтажчи, интеграль микросхемаларни йиғувчи, ярим ўтказгич асбобларни йиғувчи, электр машиналари ва аппаратларини йиғувчи, чизмакаш-конструктор.

Билим юртига 15 дан 25 ёшгача бўлган 8—10 синф маълумотидаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати— мутахассисликка қараб, бир йилдан 3 йилгача.

8-синф маълумоти билан қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кунда кийиладиган ва кўчалик кийим-бош билан таъминланадилар; 10-синф маълумоти билан қабул қилинганлар эса 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг маълум қисмини оладилар.

Диққат! Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ёшлар! Сизлар учун ўқиш муддати қисқартирилади ва 72 сўм ҳажмида стипендия тўлаб борилади.

8-синф маълумотидаги ўқувчилар билим юртида жойлашган мактабда ўз ўқишларини давом эттирадилар. Хоҳловчилар ўқишни «Электроаппарат» корхонаси базасидаги электротехника техникуми филиалида таҳсил кўриш билан бирга қўшиб олиб боришлари мумкин.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан кирадилар.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртида вокаль-чолғу ансамбли, хор, драма, фототўгарак, техника ижоди тўгараги, ҳаваскорлик киностудияси, спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: директор номига ёзилган ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги аттестат (асл нусхаси), автобиография, иш жойи ёки мактабдан характеристика, ота-онасининг иш жойидан, яшаб турган жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), олтита фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700105, Тошкент — 105, Ленин райони, Манжара кўчаси, 137-уй (22, 55-автобусларнинг «Электротехника заводи» бекати, 5-трамвай, 7, 12, 26, 36, 52, 68, 22, 55 автобусларнинг «Қорасув» бекати).

ТОШКЕНТ ГРАМПЛАСТИНКАЛАР УЙИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ГРАМПЛАСТИНКАЛАР УЙИ ЎЗИНИНГ МАГАЗИН-САЛОНИДА ЎЗБЕК КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ АСАРЛАРИ ЁЗИЛГАН ҚУЙИДАГИ

ПЛАСТИНКАЛАРНИ СОТАДИ:

Т. СОДИҚОВ. **Романслар ва опералардан ариялар.**

Г. МУШЕЛЬ. **Фортепьяно учун ёзилган 24 прелюдия ва фугилар цикли** (уч пластинкадан иборат альбом).

М. АШРАФИЙ. **«Шоир қалби» операси** (икки пластинкадан иборат альбом).

Б. ГИЕНКО. **Увертюра.**

А. КОЗЛОВСКИЙ. **Пьесалар ва романслар** (икки пластинкадан иборат альбом).

Ҳ. НОСИРОВА. **Халқ қўшиқлари** (уч пластинкадан иборат альбом).

В. ДЕМЕНТЬЕВ. **Фортепьяно учун вариациялар.**

Ўзбекистон радиосининг камер оркестри ижро этади. Дирижёр Э. Азимов.

К. КЕНЖАЕВ. **Лирик симфония.**

Альбом Улуғ Октябрь революциясининг 60 йиллигига бағишланган.

Р. ЖЎРАЕВ. **Ўзбек халқ қўшиқлари.**

С. ШАРИФЖОНОВ. **Уйғур халқ қўшиқлари ва бошқалар.**

Магазин-салон адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 4-уй (метронинг «Ҳамза» станцияси. Магазин соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди, соат 14.00 дан 15.00 гача танаффус, якшанба дам олиш куни).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

25 МАЙ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.00 «Рус тили». 17.30 «Ёшлар адреслари». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Техника тараққиёти омиллари». (Халқ хўжалигида металлни тежашнинг резервлари ҳақида). 19.15 «Ҳаммамиз аҳил оиламиз». Музикали программа. Таллиндан олиб кўрсатилади. 19.40 «Мардлик трассаси — ёшлик трассаси». 20.25 «Қадрдонлар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ижодга таклиф». Ҳужжатли фильм. 22.30 СССРда Болгария Халқ Республикаси маданияти кунларининг ёпилиши. «Россия» Марказий концерт залидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —Ҳужжатли фильм. 00.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.30 «Кўргазма заллари бўйлаб». Ўзбекистон ССР халқ рассоми Р. Аҳмедов асарлари кўргазмасида (рус.). 19.00 «Бугун — Африка озодлиги куни». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ўзбек мадоннаси». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 19.40 «Шарқда бир сахий шаҳар бор». Ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V Халқаро Тошкент кинофестивалида». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.15 «Оқ кема». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «СССР халқларининг куйлари». Концерт. 20.50 «Ўқитувчи экрани». 21.20 «Эльбрус ва Казбек ёнбағрида». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.40 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

26 МАЙ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Горнчилар, қаердасиз!». 10.25 «Қадрдонлар». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.30 А. Дворжак. Виолончель ва оркестр ижроси учун ёзилган концерт. 15.00 «Меҳнатинг — иқболинг». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 15.45 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. 16.15 «Москва ва москваликлар». 16.45 Коми АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 17.15 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади.

18.00 «Сиз бунга қодирсиз». «Ёшлар илмий-техника ижодиёти Марказий кўргазмасидан репортаж. 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал. 18.50 «Чегарачилар». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.40 Н. Осипов номли Давлат рус халқ чолғу оркестрининг концерти. 20.25 «Қадрдонлар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 РСФСР халқ артисти Э. Пьеха иштирокида фильм-концерт премьераси. 22.45 «Галатея». Фильм-балет. 23.40 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 С. Михалков. «Бировнинг роли». Болалар учун телевизион спектакль премьераси. 13.05 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 13.35 «Баҳор байрами билан». Мактаб ўқувчилари учун концерт. 14.15 Адабий театр. М. Лермонтов. «Ўлим фариштаси».

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Куйловчи расмлар». Болалар учун фильм-концерт. 18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.40 «Фильмни суратга олиш майдончасидан репортаж». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти, кинорежиссёр Комил Ёрматов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 18.55 «Себрие Эреджепова куйлайди». Телевизион фильм-концерт. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Паранжи». Ҳужжатли фильм. 19.40 «Ассалом, Россия!». Ўзбекистонда РСФСР адабиёти ва санъати кунлари қатнашчилари ҳақида ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V Халқаро Тошкент кинофестивалида». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғўза парваришини сифатли ўтказайлик». 22.15 «Бир пардали балетлар». А. Навоий номли Давлат академик опера ва балет Катта театрининг спектакли. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Сиёсий иқтисод. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Оперетта саҳифаларида». 20.55 «Тошкент ва тошкентликлар». 21.25 Абитуриентлар учун. Физика (рус.)

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-83; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р—12970. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Напр—Д—1317.